



ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИХАЛАРИНИ МУҚОБИЛ МОЛИЯЛАШТИРИШ УСУЛИ СИФАТИДА ИСЛОМ МОЛИЯСИДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИАТЛАРИ

Элмирзаев Самариддин Эшқуватович

DSc., проф. Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси, "Инвестициялар ва капитал бозори" кафедраси мудири. Тошкент, Ўзбекистон.

E-mail: samar101127@gmail.com

ORCID: 0000-0002-4493-6316

Аминова Нилуфар Умарбой қизи

PhD. Катта ўқитувчи, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети, Баҳолаш иши ва инвестициялар кафедраси, Тошкент, Ўзбекистон. E-mail: a.nilufarumarovna@gmail.com

E-mail: a.nilufarumarovna@gmail.com

ORCID: 0000-0003-2618-7523

THE POSSIBILITIES OF USING ISLAMIC FINANCE AS AN ALTERNATIVE METHOD OF FINANCING INVESTMENT PROJECTS

Elmirzaev Samariddin Eshkuvatovich

DSc., Prof. Academy of Banking and Finance of the Republic of Uzbekistan, Head of the Department "Investments and Capital Market". Tashkent, Uzbekistan.

E-mail: samar101127@gmail.com

ORCID: 0000-0002-4493-6316

Аминова Нилуфар Умарбой қизи

PhD. Senior teacher, Tashkent State University of Economics, Department of "Valuation and investments", Tashkent, Uzbekistan. E-mail: a.nilufarumarovna@gmail.com

ORCID: 0000-0003-2618-7523

JEL Classification: E22, G21

Аннотация. Мазкур мақолада хорижда сўнги йилларда ислом молия тизимининг ахамияти, ривожланиш тенденциялари ва унга таъсир этувчи ижобий ва салбий омиллар, инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришнинг муқобил варианты сифатида ислом молиясидан фойдаланиш имкониятлари, ислом молияси асосида инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришни ривожлантириш йўналишлари борасидаги тадқиқот натижалари акс эттирилган. Хорижий мамалакатларда инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда кенг қўлланиладиган

исломий молиявий инструментлардан бири ҳисобланадиган сукукдан фойдаланиш ва уни қўллашнинг афзаллик ва камчиликлари, сукукни жорий этиш орқали аҳоли қўлидаги бўш маблағлардан самарали фойдаланиш, молиявий муаммолар сабаб тўхтаб турган лойиҳаларни амалга ошириш имкониятлари келтириб ўтилган. Инвестиция лойиҳаларини ислом молияси доирасида замонавий молиявий технологиялар (fintech) орқали молиялаштириш имкониятлари. Краудфандингдан молиявий тармоқда банклар каби расмий молия



муассасаларининг аралашувисиз молия маблағларини бевосита сармоядорлардан қарз олувчиларга йўналтиришининг инновацион усули сифатида фойдаланиши. Инвестиция лойиҳаларини ислом молияси модели асосида такофул орқали молиялаштириш имкониятлари. Ўзбекистонда хорижий тажрибалардан фойдаланган ҳолда ислом молияси модели асосида инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар берилган.

Abstract. This article examines the importance of the Islamic financial system abroad in recent years, the development trends and the positive and negative factors affecting it, the possibility of using Islamic finance as an alternative option for financing investment projects, as well as the directions for the development of financing investment projects based on Islamic finance. The use of sukuk, which is considered one of the Islamic financial instruments widely used in financing investment projects in foreign countries, its advantages and disadvantages, the effective use of free funds in the hands of the population through the introduction of sukuk, as well as the possibilities of implementing projects stopped due to financial problems are mentioned. The possibilities of financing investment projects using modern financial technologies (fintech) within the framework of Islamic finance. Using crowdfunding on the financial network as an innovative way to channel funds directly from investors to borrowers without the intervention of official financial institutions such as banks. Opportunities for financing investment projects through takaful based on the Islamic financing model.

Таянч сўзлар: вақф, инвестиция, микромолиялаш, ислом молияси,

молиявий технология, краудфандинг, мушарака, муробаҳа, сукук, такофул.

Key words: waqf, investment, microfinance, climate finance, financial technology, crowdfunding, musharaka, mirobaha, sukuk, takoful.

Кириш. Ислом молияси асосида молиялаштириш фаолияти йўлга қўйилган даврлардан бошлаб, айтиш мумкинки, турли лойиҳаларни амалга ошириш, турли муассасалар фаолиятини молиявий жиҳатдан таъминлашда ташкил этилган вақф фондларининг аҳамияти муҳим ҳисобланади. Олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра[1], ўрта асрлардаги мусулмон жамиятларида вақф муассасалари фаолияти кенг тарқалган. Бу орқали, ҳукумат томонидан давлат ғазнасига молиявий юкни камайтириш, белгиланган харажатларни бошқа асосий иқтисодий, сиёсий йўналишдаги фаолиятларни молиялаштириш чора-тадбирлари амалга оширилган. Ушбу давлатларда ташкил этилган вақф фондлари жамиятнинг асосий кунлик харажатлари, жумладан соғлиқни сақлаш, таълим, зарурий инфратузилма тармоқлари, иқтисодий ва савдо фаолиятини олиб бориш, янги иш ўринларини ташкил этиш, аҳолини зарурий озиқ-овқат, уй-жой ёки бошпана билан таъминлаш, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, ишлаб чиқариш соҳаларини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш каби фаолиятни молиялаштириш орқали ҳукуматга бегараз кўмаклашганлигини алоҳида таъкидлаш мумкин.

Материал ва метод. Мазкур мақола тадқиқоти давомида илмий шарҳлаш, назарий маълумотларни умумлаштириш ва абстаркциялаш, статистик маълумотларга дастурий таъминот орқали ишлов бериш, кузатиш, тизимлаштириш, таққослаш, индукция ва

дедукция каби усуллардан фойдаланилган.

Инвестиция лойиҳаларини муқобил молиялаштиришда ислом молияси модели борасидаги хорижий ва маҳаллий мутахассислар томонидан турли илмий-тадқиқотлар олиб борилган. Жумладан, Бангладешлик олим М.А.Маннан томонидан олиб борилган тадқиқотларда: "ислом молияси ва иқтисодиёти – бу инсонларнинг ислом шариати одатлари ва қадриятлари асосида иқтисодий муаммоларини ўрганадиган ижтимоий илм"[2], эканлиги алоҳида таъкидланади.

S.M.Hasanuzzaman томонидан олиб борилган илмий изланишларда ислом молиясининг ривожланиш босқичлари, келгусидаги истиқболли йўналишлари тадқиқ этилган. Олимнинг илмий тадқиқотларида ислом молиясига қуйидагича таъриф берилган: "ислом молияси – бу шариатга асосланган фикхий ҳукмлар, қонун-қоидаларининг амал қилиши ҳисобланиб, ушбу молия тизими шариат қоидалри бўйича ҳаёт кечиришни мақсад қилган инсонларнинг молиявий хизматларга бўлган талаб ва эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилувчи, молиявий-иқтисодий ресурслардан нотўғри ва оқилона фойдаланишни кўзда тутувчи тизим" [3].

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан А.Турсунов томонидан тадқиқотларда тижорат банкларида исломий банк хизматларини ривожлантириш йўналишлари, исломий молиявий инструментларни молиялаштириш жараёнларида қўллаш борасида таклифлар кўриб чиқилган. Исломий банк хизматларининг турлари таснифланган ҳамда инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш жараёнларида банкларнинг иштирокини ошириш борасида ўз тадқиқотларини

олиб борган.

Натижалар. Замонавий вақф амалиётига тўхталадиган бўлсак, аҳолисининг асосий қисми мусулмон бўлган мамлакатларда вақф муассасалари фаолияти асосан, диний марказлар ва хайрия фаолиятларини молиялаштириш билан чекланиб қолган. Бангладеш, Индонезия ва Покистон давлатларидаги вақф фондлари бўйича олиб борилган тадқиқотларда [4] мазкур мамлакатларда ташкил этилган вақф фондлари мол-мулкидан фойдаланиш борасидаги самарадорлик даражаси паст эканлиги ёки улар деярли ишлатилмаслик ҳолатида қолганлиги билдирилган. Ушбу ҳолатда вақф фондлари мавжуд бўлган турли давлатларда нақд пул кўринишидаги вақф фондларини ташкил этиш ва фаолиятини юритиш кенг оммалашган.

Маълумотларга кўра [5], Индонезия Вақф Кенгаши (The Indonesia Waqf Board - BWI) жисмоний шахсларнинг нафақат бой қатлами, қолаверса, ўрта қатлами аъзоларини ҳам жалб қилган ҳолда нақд пул кўринишидаги молиявий ресурсларни вақф сифатида тан олиш тажрибасини амалиётга киритди. Ушбу молиявий ресурслардан молиявий жиҳатдан қийналган аҳолининг кичик ва микро тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш борасидаги инвестиция лойиҳаларини молиявий таъминлаш мақсадида (микромолиялаш) фойдаланиш бошланди. Мазкур тажрибанинг амалиётга жорий этилиши орқали ушбу давлатдаги камбағаллик ва қашшоқлик даражасини камайтиришга қаратилган лойиҳаларни молиялаштириш имокнияти кенгайтирилди. Бу борадаги Жаҳон банки веб-саҳифасидаги статистик маълумотларга кўра [9], Индонезияда камбағаллик кўрсаткичи чегарасидан қуйида яшовчилар мамлакат аҳолисининг

жами аҳолидаги улуши 10 йилда (2008-2018 йиллар давомида) (ушбу мамлакатда қабул қилинган миллий

стандарларга мувофиқ) 15,4 фоиздан (2008 йил) 9,8 фоизгача (2018 йил) пасайди.

1-жадвал

Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун Бандладешда нақд пул кўринишида молиявий ресурсларни жалб этиш шакллари¹

Молиявий ресурсларни жалб этиш субъектлари	Молиявий ресурсларни жалб этиш воситалари
1-тоифа:	
Жисмоний шахслар	Даромад даражасидан қатъий назар барча тоифадаги инсонларни ўз ичига олади. Кам даромадга эга шахслар молиявий имкониятларига қараб оз миқдорда вақф фондига ўз ҳиссаларини қўшадилар. Бунинг эвазига эса, SMEDU миннатдорчилик ва ташаккур рамзи сифатида Нақд вақф сертификатлари (Cash Waqf Certificate – CWC) ни уларга тақдим этади.
2-тоифа:	
Ташкилотлар	Жисмоний шахслар билан бир қаторда, SMEDU нодавлат нотижорат ташкилотлар (ННТ), давлат идоралари, тижорат бизнеси субъектлари каби юридик шахсларнинг маблағларини ҳам жалб қилади. Тижорат бизнеси субъектлари нақд пул кўринишидаги вақфларини Корпоратив Ижтимоий Масъулият дастури (Corporate Social Responsibility – CSR program) доирасида SMEDUга топширадилар ва бу уларнинг ушбу дастур доирасида қўшган улуши ҳисобланади.
3-тоифа:	
Кичик ва ўрта бизнес корхоналари	Пул айланмаси миллион (доллар)дан ортиқ бўлган йирик корпорациялардан ташқари, кўплаб кичик ва ўрта бизнес субъектлари ҳам SMEDUнинг нақд пул вақфи дастури доимий аъзолари сифатида ўзларинг муносиб ҳиссаларини қўшаётганликлари ва дастурнинг фаол иштирокчисига айлаётганликлари эътироф этилмоқда.

¹ Аминова Н.У. Ислом молияси асосида инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришни ривожлантириш. Иқтисодиёт фанари бўйича фалсафа доктори диссертацияси автореферати. Тошкент-2024 й.

SMEDU (*Small and Medium Enterprise Development Unit*) нақд пул кўринишидаги вақф жамғармасининг ишончли вакили сифатида, жалб қилинган маблағларни стартапларга ёки бошқа кичик ва ўрта бизнес субъектларига инвестиция қилади ва уларнинг бошланғич ва айланма маблағларларини шакллантиради, шунингдек бизнесни кенгайтиришлари учун молиявий маблағлар ажратади. Натижада КЎБ²лар оладиган фойданинг бир қисмига эга бўлади. Бордию ортиқча нақд пул маблағлари қолса, SMEDU бу пулларни ислом банклари орқали хатар даражаси юқори бўлмаган лойиҳаларга сармоя сифатида киритади. Олинган жами даромадлар (МКЎБ³лар ва ислом банкларига киритилган сармоялардан), даставвал, SMEDUнинг маъмурий харажатларини қоплашга йўналтирилади, кейин эса даромаднинг бир қисми захира фондига ўтказилади (турли фавкуллодда ҳолатлар учун). Қолган фойда вақф фонди сертификатида эга бўлган, барча аъзо КЎБ субъектлари ўртасида тақсимланади.


Мунозара. Инвестиция лойиҳаларини ислом молияси доирасида замонавий молиявий технологиялар (fintech) орқали молиялаштириш имкониятларини таҳлил қиладиган бўлсак, улар орасида краудфандинг, сукук, такофул аҳамиятлидир. Краудфандинг молиявий тармоқда банклар каби расмий молия муассасаларининг аралашувисиз молия маблағларини бевосита сармоядорлардан қарз олувчиларга йўналтиришнинг инновацион усули сифатида пайдо бўлди. Краудфандинг платформаларига эҳтиёж

2008 йилдаги молиявий инқироздан кейин банклар ва бошқа расмий молия институтлари бизнес секторини, хусусан, микро, кичик ва ўрта бизнес корхоналари ҳамда инновацион стартапларни молиялаштиришни қисқартирганидан сўнг пайдо бўлди. Краудфандинг платформаси 2000 йилларнинг охирида пайдо бўла бошлаган бўлса, ўн йил ичида ушбу норасмий / ноанъанавий молия манбаси жадал ривожланди. Краудфандингнинг ишлаш услуби шундайки, маблағдан фойдаланувчилар (мблағ олувчилар) ўз лойиҳалари, маҳсулотлари ёки инновацион бизнес ғояларини ёки ҳар қандай бошқа режаларини сармоя жалб қилиш мақсадида эълон қилади. "Краудфандинг" платформаси зарур текширувларни ўтказди ва агар натижалар қониқарли бўлса, ўз лойиҳаларига молиявий ресурсларни жалб қилиш истагида бўлганларга ўз лойиҳалари бўйича барча керакли маълумотларни юклаш имконини беради. Краудфандинг бўйича саъй-ҳаракатлар тўрт тоифага бўлинади [1-расм]:

Сўнгги пайтларда краудфандинг ислом молияси доирасида ҳам қўллана бошлади. Ислом краудфандингида энг кўп тарқалган ва кўп қўлланидиган услублар шерикчилик сармояси ҳамда қарзга асослангандир. Улар бунда шерикчилик сармоясига асосланган краудфандинг учун Мудараба ва Мушаракадан фойдаланган ҳолда, қарзга асосланган шаръий краудфандинг учун эса Муробаҳа битимидан фойдаланади. Бироқ, краудфандинг ҳали ҳозирча шаклланиш босқичидадир.

² Кичик ва ўрта бизнес.

³ Микро, кичик ва ўрта бизнес.



1-расм. Инвестиция лойиҳаларини краудфандинг асосида молиялаштиришдаги саъй-ҳаракатлар гуруҳланиши⁴

Бундан ташқари, сармоядорларнинг нуқтаи-назарида, Инвестицияларнинг даромадлиги (рентабеллиги) – Return on Investment (ROI) жиҳатидан краудфандинг платформаси Индонезиядаги ислом банкларига қараганда (айниқса тижорат соҳасида ва қишлоқ ҳудудларда) жозибали ҳисобланади. Мисол учун “2022 йил ҳолатига кўра, краудфандинг сармоядорлари 12-18% даромад (ROI) олишган бўлса, ислом банкларида бу кўрсаткич 5-6 фоизга ва қишлоқ ислом банкларида 9-12 фоизга тенг бўлган”[6].

Инвестиция лойиҳаларини ислом молияси модели асосида сукук (ислом облигациялари) орқали молиялаштириш имкониятлари. Сукук – ислом молияси тамойиллари асосидаги фойзсиз облигациядир. Анъанавий облигациялардан фарқли равишда сукук эгаларига молиялаштириладиган бизнес лойиҳа ёки мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқи берилади ва даромад ана шу лойиҳанинг қанчалик самарали ёки муваффақиятли амалга оширилишига боғлиқ бўлади (яъни шу лойиҳанинг натижасига бевосита боғлиқ бўлади). Бугунги кунда сукук ислом молияси маҳсулотлари ичида иккинчи энг машҳур ва энг кўп қўлланиладиган молия маҳсулоти бўлиб, нафақат мусулмон

мамлакатларида (яъни ИХТга аъзо давлатлар), балки мусулмонлар камчиликни ташкил қиладиган бошқа мамлакатларда ҳам машҳур ва талабгирдир. Кўпчилик давлатлар ҳукуматлари сукукнинг инфратузилма (йўллар, кўприклар қуриш каби) лойиҳаларини молиялаштиришдаги аҳамиятини англаб етишмоқда ва шу сабаб кўп миқдорда сукук чиқаришмоқда. Масалан 2017 йилда Нигерия ҳукумати 277 млн.АҚШ долларига тенг миқдорда суверен сукук (яъни давлат томонидан чиқарилган) чиқарди. Шунингдек, сукукнинг янги, “яшил сукук” деб аталувчи шакли ҳам чиқдики, бундай сукук чиқарилиши ёки “сотилиши”дан тушган пуллар атроф муҳитни ҳимоя қилиш билан боғлиқ лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилади. Яшил сукуклар ислом молия маҳсулотлари ичидаги узоқ муддатли истиқболда Барқарор Ривожланиш Мақсадларига эришишга кўмак бериши мумкин бўлган энг инновацион маҳсулотдир. Бугунги кунда Малайзия ҳукумати ижтимоий сармоя ва яшил молия йўналишида етакчилик қилган ҳолда бир нечта ташаббуслар билан чиқди. Малайзиянинг Қимматли қоғозлар бўйича комиссияси 2022 йилда Ижтимоий мақсадларга йўналтирилган сармоялар (ёки Ижтимоий

масъулият доирасидаги инвестициялар) бўйича дастур ишлаб чиқди ва "2022 йил унинг доирасида навбатдаги яшил сукук чиқарди. Малайзия ҳукумати 2023 йил охиригача яшил молия манбалари ҳисобидан 7200 МВт тенг бўлган (шундан 2080 МВт куёш қуввати ҳисобидан) қайта тикланувчи қувват манбаларини яратишга интиломда. 2022 йилда Индонезия ҳукумати иқлим/об-ҳавонинг барқарор ривожланишини таъминлашга қаратилган лойиҳаларни молиялаштириш мақсадида 1,25 млрд. АҚШ доллари миқдоридан яшил сукук чиқарди"[12].


Инвестиция лойиҳаларини ислом молияси модели асосида такофул орқали молиялаштириш имкониятлари. Мусулмонлар дунё аҳолисининг қарийб 25 фоизини ташкил қилади, бироқ сўнгги йилларда жадал ўсишга қарамай, мусулмон аҳоли ичида суғурта савдоси жами суғурта бозорининг кичик бир қисми бўлиб қолмоқда. Тарихан анъанавий суғурта ва ислом динининг асосий тамойиллари ўртасидаги назорат тизими. Шундай қилиб, масалан, Малайзияда мусулмон бўлмаганлар жами Такафул мукофотларининг 60% дан ортиғини ташкил қилади.

Ислом молияси асосида инвестиция лойиҳаларни молиялаштиришдаги молиявий активларни жамлаш борасида дунёда етакчи ўринларда Саудия Арабистони, Эрон, Бруней Даруссалам, Судан ва Малайзия каби ислом дини асосий ўринни эгаллаган давлатлар туради, дейиш мумкин. Шунингдек, Ғарб молиявий дунёсида исломий молиянинг кенгайиши ҳам янги молия институтларини ташкил этишда ҳам Саудия Арабистони, Малайзия ва Баҳрайндаги мавжуд молиявий марказлар фаолиятини муҳим аҳамиятга эга. Бу

нормувофиклик савдога жиддий тўсик бўлиб келган. Бу фарқлар жуда паст кириш ставкаларига олиб келди ва кўплаб мусулмонларни қарамоғидагилари ёки мулкларини учун жуда кам ташқи ҳимоя билан қолдирди. Арабча "кафалах" феълидан келиб чиққан бўлиб, "бир-бирингизга ёрдам бериш" ёки "ўзаро кафолат" деган маънони англатувчи "Такофул"нинг ривожланиши ана шу тўсиқларни енгиб ўтиш ва шариатга тўлиқ мос келадиган суғурта таклифини яратиш заруратидан келиб чиққан.

Такофул мусулмонлар учун қимматли рискларни бошқариш воситасини ва мусулмон этикоди учун мақбул бўлган ҳаёт ва ҳаётдан ташқари соҳаларда анъанавий суғуртага биринчи ҳақиқий алтернативани таклиф этади. Мусулмон бўлмаганлар учун Такафул маҳсулотлари потенциал суғурта ҳимоясининг муқобил манбасини таклиф қилади - турли инвестиция мақсадлари, ортиқча маблағни тақсимлаш ёндашуви ва ахлоқий ўлчовга эга бўлган борада, ислом молия асосида инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш фаолиятининг кенгайиши ҳам ислом молияси институтларининг жаҳон молия тизимига тобора кучли интеграция бўлиши, ҳам ислом молиявий маҳсулотларини анъанавий молия институтлари фаолиятига "қиритиш" орқали амалга оширилмоқда. Бунда "ислом молияси дарчалари" механизмидан кенг фойдаланилмоқда.

Малайзия жаҳон ислом молия тизимининг асосий иштирокчиларидан бири ҳисобланади. Малайзияда 20 дан ортиқ ислом банклари фаолият юритади, уларнинг активлари миқдори 170 млрд. АҚШ долларида ошади. Исломий молия бутун банк саноатининг 30% дан ортиғини ташкил қилади.



2-расм. Инвестиция лойиҳаларини одатий суғурта ва ислом молияси модели асосида такофул орқали молиялаштириш фарқлари⁴

⁴ Аминова Н.У. Ислом молияси асосида инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришни ривожлантириш. Иқтисодиёт фанари бўйича фалсафа доктори диссертацияси автореферати. Тошкент-2024 й.

Malayan Banking Berhad дунёдаги энг йирик ислом банкидир - унинг активлари 120 млрд. АҚШ долларида ошади. Малайзия Универсал Банки (CIMB Group Holdings Berhad) ҳам мамлакатда фаолият юритади, инвестиция лойиҳаларини молиялаштирувчи мазкур банк 100 млрд. АҚШ долларида ортиқ активлари билан мамлакатдаги иккинчи йирик банк ҳисобланади. Ривожланган молиявий тизимга эга Европанинг энг йирик иқтисодиёти бўлган Германия ҳам исломий молияни фаол ривожлантирмоқда. Бунга кўп жиҳатдан немис исломий молия бозорининг асосий иштирокчиси бўлган ва йирик немис диаспорасига (3 миллиондан ортиқ турк мусулмонлари) эга бўлган Туркия билан узоқ йиллик яқин муносабатлар сабаб бўлди. Яқин Шарқдаги сиёсий вазиятнинг кескинлашуви билан боғлиқ миграция жараёнларининг жадаллигини ҳисобга олсак, Германиядаги мусулмон муҳожирлар сони аллақачон 5 миллион кишидан ошди. Кувейт Турк турк банкининг шўба корхонаси Германия бозорига шариатга мос молиявий маҳсулотлар ва хизматларни тақдим этиб, Германияда бизнес билан шуғулланувчи ижтимоий жиҳатдан интеграциялашган мусулмонларни жалб қилмоқда.

Хулоса. Индонезия ва Бангладешдаги лойиҳаларни молиялаштирувчи вақф фондлари тажрибаларидан Ўзбекистон шароитида фойдаланиш имкониятлари бўйича куйидаги тақлиф ва амалий тавсиялар ўзининг ижобий самарасини бериши мумкин, деб ҳисоблаймиз:

1. Мустақил ёки автоном мақомдаги вақф муассасаларини ташкил этиш бўйича тамойил ва стандартлар шакллантирилиши лозим. Ушбу мустақил вақф муассасаларига ўз фаолиятлари билан боғлиқ барча

ишларда шаффофликни таъминлаган ҳолда, маблағ йиғиш, молиялаштириш ва сармоя киритиш каби молиявий фаолият олиб бориш ҳуқуқи берилиши керак;

2. Вақф (муассасалари)га катта миқдорда маблағ/мол-мулк киритганлар учун, уларнинг қўшган ҳиссасига қараб даромад солиғи муайян имтиёзлар берилиши керак;

3. Корпоратив Ижтимоий Масъулият дастури (Corporate Social Responsibility – CSR program)нинг бир қисми сифатида, корхоналарнинг вақф ишларидаги иштирокини ошириш лозим;

4. Кичик ва ўрта бизнес корхоналарини арзон молия маблағлари билан таъминлаш учун Бангладеш нақд пул вақф тизимини амалиётга жорий қилиш керак.

Юқорида айтиб ўтилганидек, Ўзбекистонда маҳаллий МКЎБлар Индонезия МКЎБ вакиллари сингари расмий ёки анъанавий манбалардан ўз молиявий маблағ жалб қилишда шунга ўхшаш муаммоларга дуч келмоқдалар. МКЎБни молиялаштиришдаги бўшлиқни тўлдиришда истиқболли молия манбалари сифатида муҳим ўрин тутиши мумкинлиги айtilган бўлса-да, ушбу муассасаларни молия тизимига киритиш нисбатан узоқ келажакда ўз натижасини беради. Краудфандинг (ислом молияси талабларига мос бўлган кўринишда) эса аксинча, қисқа вақт ичида микро, кичик ва ўрта бизнес корхоналарини молиялаштиришдаги бўшлиқни тўлдиришда жуда самарали бўлиши мумкин. Бундан ташқари, ислом краудфандинг платформалари орқали маблағларни жалб қилиш чиқимлари, банклар ва бошқа расмий молия муассасалари томонидан молиялаштирилаётганда, МКЎБ корхоналари дуч келадиган харажатлардан анча кам бўлади. Хусусан,

Ўрта ва кичик бизнес корхоналарининг айланма маблағларга бўлган эҳтиёжини қондириш доирасида улардан гаров таъминоти талаб қилинмайди ва шу сабабли улар гаров билан боғлиқ харажатлар қилишмайди. COVID-19 билан боғлиқ карантиндан кейинги даврда, краудфандинг микро, кичик ва ўрта бизнес корхоналари ўз бизнесларига янги сармоя маблағлари жалб қилиш ва шу орқали ўз бизнес фаолиятларини янада ривожлантиришда ҳал қилувчи ва самарали восита бўлиши мумкин. Бу эса Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий соҳага оид инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришни диверсификация қилишни ривожланишига кўмаклашади. Ислон краудфандингдан ижобий натижалар олиш учун қуйидаги тавсиялар берилади:

- Ўзбекистонда ислон краудфандинги фаолият юритиши учун шу жараёни тартибга солувчи қонунлар қабул қилиниши керак, бу чет эллик краудфанд ташкилотчи/асосчиларига ҳам сармоя киритиш имконини беради;

- Ҳукумат Ислон краудфандинг платформаси Ўзбекистонда фаолият юритишига оид қонун-қоидалар бўйича батафсил кўрсатмалар ишлаб чиқиши лозим;

- Ноқонуний даромадларни қонунийлаштиришга ҳаракат қилувчи шахс ёки гуруҳлар (легализация қилувчилар), турли фирибгарлар ёки Ўзбекистон ҳудудида ноқонуний деб белгиланган ҳар қандай фаолият олиб боровчилар томонидан краудфандинг платформалари суистеъмол қилинишини олдини олиш мақсадида, "Ўз мижозингизни билинг" (Know Your Customer - KYC) дастури доирасида томонлар (яъни сармоядор ва маблағ

жалб қилувчилар) бизнес фаолияти таҳлил қилиниши зарур;

- Маҳаллий ислон краудфандинг платформаси орқали маблағ жалб этишда маҳаллий маблағ қидирувчиларга устуворлик берилиши мақсадга мувофиқ, чунки бу мамлакатимизда тадбиркорликни ривожланишига хизмат қилади;

- Турли молиявий қаллобликларни олдини олиш мақсадида краудфандингнинг назорат қилиш қийин бўлган кўринишларидан (масалан Телеграм ёки Фейсбук каби) фойдаланиш ўрнига, рўйхатдан ўтган нодавлат-нотижорат ташкилотлари ташкил қилиб, улар иштирокида краудфандинг платформалари тузиб ишлаш мумкин.

Ўзбекистон инфратузилма тармоқлари, атроф-муҳит (экология) ҳолатини яхшилаш билан боғлиқ инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда сукукдан фойдаланиши мумкин. Бу борада, Ўзбекистонда сукук татбиқ қилиниши учун қуйидагилар таклиф қилинади:

- Энг муҳим вазифа – мамлакатда ислон молия тизимини ривожлантиришга доир алоҳида қонун қабул қилинишидир. Ушбу қонуннинг қабул қилиниши, мамлакатда соҳа ривожига туртки беради;

- Сукук чиқариш бўйича қоидаларни ўзида акс эттирувчи меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниши, сукук чиқарувчи молия муассасалари масъулияти чегараларини белгилаш, маълумотларни тўғри акс эттириш, шаффофликни таъминлаш ва шу орқали турли тушунмовчиликларнинг олдини олишга ёрдам беради;

- Сукук чиқариш ва бошқариш бўйича энг илғор жаҳон тажрибаси ва меъёрий ҳужжатларни ўрганиш ва амалда қўллаш/татбиқ этиш. Бунда ААОIFI,



IFSB ва IIFM каби халқаро қонунларга мослаштирган ҳолда қабул
ташкilotлар томонидан ишлаб қилиш мумкин.
чиқилган стандартларни маҳаллий

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Abdullah, Z., & Susanto, A. A. (2019). The role of investment-based islamic crowdfunding for halal MSMEs: evidence from Indonesia. *Allqishad: Jurnal Ilmu Ekonomi Syariah (Journal of Islamic Economics)*, 11(2). <https://doi.org/10.15408/aiq.v11i2.1362>.
2. Holzhaecker, H. (2018). Uzbekistan Diagnostic paper: Assessing Progress and Challenges in Unlocking the Private Sector's Potential and Developing a Sustainable Market Economy. (November). Retrieved from <https://www.ebrd.com/documents/strategy-and-policy-coordination/uzbekistandiagnostic-paper.pdf>
3. Mannan, M. A. (1983). "Islamic Economics as Social Science: Some Methodological Issues", *Journal of Research in Islamic Economics*, 1(2), pp. 41-50.
4. Hasanuzzaman, S. M. (1984). "Definition of Islamic Economics", *Journal of Research in Islamic Economics*, 1(2), pp. 51-53.
5. Hussain, M., Shahmoradi, A., & Turk, R. (2016). An Overview of Islamic Finance. In *Journal of International Commerce, Economics and Policy*. <https://doi.org/10.1142/S1793993316500034>. Hussain, M., Shahmoradi, A., & Turk, R. (2016). An Overview of Islamic Finance. In *Journal of International Commerce, Economics and Policy*. <https://doi.org/10.1142/S1793993316500034>. Khan, N. (2016). The Role of Finance in Economic Development. *Ling Nan Journal of Banking, Finance and Economics*, 6(December 2016), 481–540. https://doi.org/10.1142/9789814733342_0011
6. Ислом молия маҳсулотларини Ўзбекистонда татбиқ қилиш ва қўллаш юзасидан ўтказилган тадқиқот натижалари бўйича таҳлилий ҳисобот. 2020 й. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт Дастурининг "Ўзбекистонда барқарор ривожланишни молиялаштириш" лойиҳаси. [UZB Landscaping-IF-in-Uzbekistan final.pdf](https://www.uzb-landscaping-if-in-uzbekistan-final.pdf)
7. Ali, Isahaque and Hatta, Zulkarnain A. (2022). "Zakat as a Poverty Reduction Mechanism Among the Muslim Community: Case Study of Bangladesh, Malaysia and Indonesia". *Asian Social Work and Policy Review* 8, pp. 59-70. Available from
8. Abdulsoma Thoarlim; Md. Asadur Rahman, & A. Y. (2017). Cash Waqf in Bangladesh and the Need for Innovative Approach towards Awqāf: Lessons from Selected Countries. *International Journal of Academic Research in Business and Social Sciences*, 7(4), 151–169. <https://doi.org/10.6007/ijarbss/v7-i4/2795>
9. Аминова Н.У. Ислом молияси асосида инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришни ривожлантириш. Иқтисодиёт фанари бўйича фалсафа доктори диссертацияси автореферати. Тошкент-2024 й.
10. Asian Development Bank Institute. <https://www.adb.org/sites/default/files/publication/226066/islamic-finance-asia.pdf>
11. <http://povertydata.worldbank.org/poverty/country/IDN>
12. <https://mhbusinesssite.wordpress.com/2017/11/15/small-and-medium-enterprises-in-bangladesh/>
13. <http://documents.worldbank.org/curated/en/586751546962364924/Helping-Malaysia-Develop-the-Green-Sukuk-Market-Facilitating-Sustainable-Financing-Case-Study.pdf>